

## Майит ювилган хонада 40 кун чироқ ёқилади

15:47 / 26.04.2016 4702

Майит ювилган хонада 40 кун чироқ ёқилади, бу хонада ҳеч ким овқат емайди ва ухламайди. Шу ҳолат шариатимизда борми?

Бу ҳолат шариатимизда йўқ, чироқ ёқиш мутлақо йўқ. Майит чиққан хонада овқат емаслик ёки ухلامаслик ҳам шариатга хилоф иш. Бундай нарсаларга ишонмаслик керак, амал қилмаслик керак. Балки чироқ ёқишни йўқотиш, майитни ювган, ётқизилган уйларни демак, майитни дафн қилиб бўлгандан кейин аввал нима учун ишатилаётган бўлса, шунга ишлатиб, овқат ейилаётган бўлса овқат, ухлаш керак бўлса ухлаш, ўтириш керак бўлса ўтириш ҳаммасини қилаверса бўлади.